



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 4 январь, № 2 (8897)

Шанба

Сайтимиизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

3 январь куни Президент Шавкат Мирзиёевга банклар иштирокида маҳаллаларда аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадли қилиш чора-тадбирлари бўйича ахборот берилди.

Бу ҳақда 2024 йил 16 декабрь куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида топшириқ берилган эди. Шундан келиб чиқиб 2025 йилда жами 5 миллион 200 минг нафар, жумладан, банклар томонидан 3 миллиондан зиёд аҳолини банд қилиш режалаштирилди.

Шу мақсадда 208 та туман ва шаҳар ҳокимлари ҳамда банклар раҳбарлари томонидан аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини ошириш бўйича ҳамкорлик шартномалари имзоланди, бунда томонларнинг аниқ ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўрсатиб ўтилди.

Ҳар бир маҳалла бўйича мақсадли кўрсаткичлар белгиланди. Аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган «Маҳалла лойиҳаси» дастури доирасида ажратилган 1 миллиард доллар кредит ресурслари банклар ва ҳудудлар кесимида тақсимланди. Лойиҳа ишлаб чиқиш, кредит ажратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича туман банки раҳбарига ойма-ой самарадорлик кўрсаткичи кўйилди.

Энди Марказий банк раиси ва унинг ўринбосарлари ҳудудларга чиқиб, жойлар-

даги банк филиалларининг маҳаллалардаги ишлари янгича ёндашув асосида ташкил қилади. 2025 йил 1 февралга қадар туман банклари филиалларида маҳаллабай ишлаш бўлимлари ташкил этилиб, уларга маҳалла банклари тайинланади. Шунингдек, ҳар бир маҳаллада улар билан бирга ишлайдиган ёрдамчи-агентлар танлаб олинади.

Худудий банклар ҳамда туман ҳокимлари аҳолини тайёр бизнес лойиҳалари билан таништириб боради, уларни амалга ошириш кўникмалари ўргатилади.

“online-mahalla.uz”, “bank-kredit.uz” ва “soliq.uz” ахборот тизимлари интеграция қилиниб, маъсулларга юклатилган вазифалар ихроси куник таҳлил қилиб борилади. Фаолияти қониксарсиз бўлган раҳбарларга чора кўрилади.

2025 йил бандлигини таъминлаш ва камбағалликни камайтиришда ҳал қилувчи йил бўлиши, бунинг учун маҳаллий ҳокимликлар ва иқтисодий-молиявий тузилмаларнинг мувофиқлашган ишлари фаоллаштириш зарурлиги таъкидланди.

БЮДЖЕТ ХАРАЖАТЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ ЙЎНАЛТИРИЛГАНЛИГИ САҚЛАБ ҚОЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёевга «2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонун ижросини таъминлаш чора-тадбирлари юзасидан ахборот берилди.

Мақсуд қонун 17 та модда ва 10 та иловадан иборат бўлиб, унда асосий иқтисодий кўрсаткичлар ўз ифодасини топган. Хусусан, 2025 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 6 фоиз ўсиши кутилмоқда.

Консолидацияланган бюджет даромадлари 431 триллион сўм миқдорига, харажатлари эса 480,5 триллион сўм миқдорига режалаштирилган ҳолда ялпи ички маҳсулотга нисбатан 3 фоиз миқдориди тақчиллик билан тасдиқланди.

Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари баланси ялпи ички маҳсулотга нисбатан 2 фоиз миқдорига тақчиллик билан шакллантирилди. Бунда Давлат бюджети даромадлари 308,5 триллион сўм, харажатлари эса давлат мақсадли жамғармаларга трансфертларни инobatга олган ҳолда 344,8 триллион сўм миқдорига режалаштирилди.

2025 йилда Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг даромадлари прогнози 65,8 триллион сўм, харажатлари прогнози 84,3 триллион сўм миқдорига бўлиши инobatга олинган. Шунингдек, республика бюджетидан маҳаллий бюджетларга 18,5 триллион сўм миқдорига тартибга сولувчи бюджетларга трансфертлар ўтказиб берилиши назарда тутилган.

Қонунга кўра бу йил ҳам бюджет харажатларининг ижтимоий йўналтирилганлиги

сақлаб қолинди. Таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, фан, маданият ва спортни ривожлантириш, муҳтож аҳолини уй-жой билан таъминлаш каби тадбирлар учун жами Давлат бюджети харажатларининг 52 фоизи йўналтирилди.

Маҳаллий бюджетлар даромадини кўпайтириш ва мустақиллигини ошириш мақсадида қуйидаги солиқ турлари қўшимча тарзда туман ва шаҳарлар бюджетларида қолдирилади:

— айланмадан олиннадиган солиқ, юридик шахсларнинг ер ва мол-мулк солиқлари тўлиқлигича (йирик солиқ тўловчилар томонидан тўланадиган солиқлар бундан мустасно);

— жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғи тушумларининг камида 50 фоизи (йирик солиқ тўловчилар томонидан тўланадиган солиқлар бундан мустасно);

— давлат мулкни хусусийлаштиришдан маҳаллий бюджетларга тушадиган тушумларнинг 50 фоизи.

Шунингдек, туман ва шаҳарлар маҳаллий Кенгашларига айрим солиқ турлари бўйича коэффициент қўллаш ваколатлари берилган.

Умуман, Давлат бюджети жорий йилда ҳам иқтисодиётни изчил ривожлантириш, ижтимоий масалаларни манзилли ҳал этиб, аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ТУРКИСТОН ЖАДИДЛИК ҲАРАКАТИНИНГ АСОСЧИСИ, АТОҚЛИ АДИБ ВА ЖАМОАТ АРБОБИ, НОШИР ВА ПЕДАГОГ МАҲМУДХҲА БЕҲБУДИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 150 ЙИЛЛИГИНИ КЕНГ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз тарихида фоят мураккаб ва синовли давр бўлган XX аср бошида майдонга чиққан Маҳмудхўжа Беҳбудий Туркистон жадидлик ҳаракатининг асосчиси ҳисобланади. У миллий озодлик ҳаракатининг буюк намояндаси сифатида илм-фан, таълим ва тарбия, адабиёт ва санъат, матбуот соҳаларини ривожлантириш, жаҳондаги илгор тараққиёт ютуқларини ўзлаштириш орқали халқимизнинг онгу тафаккурини юксалтириш ҳамда хурриятга эришиш йўлида ўз ҳаётини бахш этган фидойи зотдир.

Маҳмудхўжа Беҳбудий чор ҳукумати ва маҳаллий мутаассиб кучларнинг мислсиз қаршилигига қарама-қарши, юртимизда биринчилар қаторида илк замонавий мактаблар ташкил қилиш, улар учун зарур дарсликлар яратиш, нашриёт ва театрлар барпо этиш ишларига бошқоқ бўлди. Мохир публицист сифатида ўз даврининг долзарб муаммоларига бағишланган қатор саломлари асарлар ва икки юздан ортиқ мақолалар яратди. Шу билан бирга, “Самарқанд” газетаси ҳамда “Ойна” журналига асос солди. 1914 йилда “Турон” театрида сахналаштирилган “Падаркуш” пьесаси орқали ўлкада театр санъатининг тамал тошини қўйди. Афсуски, атоқли адиб ва жамоат арбоби бўлган бу мутафаккир зот 44 ёшида ёвуз кучлар қурбони бўлди.

Мустақиллик даврида Маҳмудхўжа Беҳбудий хотирасини абадийлаштириш, ҳаёти ва фаолиятини чуқур тадқиқ қилиш, илмий ва бадиий асарларини кенг омалаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Айниқса, кейинги йилларда Тошкент шаҳридаги Адиблар хибониди унинг муаззам хайкали ўрнатилгани, Самарқанд шаҳрида уй-музейи ташкил қилинган мамлакатимиз ҳаётида катта воқеа сифатида эътироф этилди. Истеъдодли драматурглар учун Маҳмудхўжа Беҳбудий номидаги мукофот таъсис қилингани шу йўлдаги янги амалий қадам бўлди.

Маҳмудхўжа Беҳбудий асарларининг ёш авлодимиз интеллигентлар ва маънавий салоҳиятини ошириш, шу асосда уларни Янги Ўзбекистон бунёдкорлари, чинакам ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялаш борасидаги ўрни ва аҳамиятини инobatга олиб ҳамда унинг бебахо меросини янада кенгроқ ўрганиш ва тарғиб этиш мақсадида:

1. Маданият вазирилик, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирилик, Мактабгача ва мактаб таълими вазирилик, Ёзувчилар уюшмаси, Фанлар академияси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда жамоатчилик вакилларининг 2025 йилда Туркистон жадидлик ҳаракатининг асосчиси, атоқли адиб ва жамоат арбоби, ношир ва педагог **Маҳмудхўжа Беҳбудий таваллудининг 150 йиллигини кенг нишонлаш** тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Маҳмудхўжа Беҳбудий таваллудининг 150 йиллигини нишонлаш бўйича **ташқилий кўмита** (кейинги ўринларда — Ташқилий кўмита) иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

3. Ташқилий кўмита (А.Арипов) икки ҳафта муддатда Маҳмудхўжа Беҳбудий таваллудининг 150 йиллигини нишонлаш бўйича амалга ошириладиган **чора-тадбирлар дастури**ни тасдиқласин.

Ушбу дастурда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин: мутафаккир адибнинг **“Танланган асарлар”** тўплами, унинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган илмий-оммабоп китобларни нашрга тайёрлаш ва чоп этиш;

Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳақида **спектакллар** сахналаштириш ҳамда бугунги кунга қадар яратилган **“Маҳмудхўжа Беҳбудий”** киносерияли ва **“Халқ юраги”** бадиий-публицистик фильмларининг оммавий намойишларини ташкил қилиш;

Бадиий академиянинг Марказий кўргазмалар залида Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳаёти ва ижоди, шунинг-

дек, Туркистон жадидлик ҳаракати намояндаларининг фаолиятига оид **тасвирий санъат асарлари кўргазмасини** уюштириш;

умумий ўрта таълим муассасалари, ижод мактаблари ўқувчилари, “Темурбеклар мактаблари” курсантлари ҳамда олий таълим муассасалари талабалари ўртасида **“Маҳмудхўжа Беҳбудий сабоқлари”** мавзусида иншонлар танловини ўтказиш ва голибларни муносиб тақдирлаш;

барча бўғиндаги таълим муассасалари, кутубхоналар, меҳнат жамоалари, маҳаллалар ва ҳарбий қисмларда таниқли олимлар ва адиблар иштирокида Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳаёти ва **ижодига бағишланган ижодий учрашувлар, адабиёт ва китобхонлик кечалари**ни ташкил қилиш;

замонавий рақамли ва тарғибот технологиялари асосида Маҳмудхўжа Беҳбудий асарларини ёшлар ўртасида кенг омалаштириш;

2025 йил октябрь ойда Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетида **“Маҳмудхўжа Беҳбудий мероси ва жадидлик ҳаракатининг ўрганишининг долзарб масалалари”** мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ташкил қилиш;

2025 йил ноябрь ойда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида Маҳмудхўжа Беҳбудий таваллудининг 150 йиллигига бағишланган **тантанали адабий-маърифий хотира кечасини** ўтказиш;

Самарқанд шаҳридаги Маҳмудхўжа Беҳбудий уй-музейи худудини обodonлаштириш ҳамда **музей экспозициясини бойитиш**;

Қарши шаҳридаги кўчалардан би-

рига **Маҳмудхўжа Беҳбудий номи** бериш ҳамда унга бағишланган **ёдрорлик лавҳасини** ўрнатиш;

Интернет ва ижтимоий тармоқлар учун мўлжалланган аудиовизуал асарлар яратиш, шунингдек, оммавий ахборот воситаларида туркум материалларини эълон қилиш.

Ташқилий кўмитага Маҳмудхўжа Беҳбудий таваллудининг 150 йиллигини нишонлаш доирасида ўтказиладиган тадбирларни юксак савияда уюштириш, маъзур қарорга асосан белгиланган чора-тадбирларнинг ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ амалга оширилишини мувофиқлаштириб бориш вазифалари юклатилсин.

4. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси, Ўзбекистон Миллий медиа бирлашмаси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Маҳмудхўжа Беҳбудий таваллудининг 150 йиллигини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

5. Белгилансинки, маъзур қарорда назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар ташкилотчиларга Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида, уларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда қонунчилик ҳужжатлари билан таққиланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

6. Маъзур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Ижтимоий ривожланиш департаменти раҳбари О.Қ.Абдурахманов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2024 йил 27 декабрь

Муносабат

ОГОҲЛИК ҚЎНҒИРОФИГА БЕПАРВО БЎЛМАСЛИГИМИЗ КЕРАК

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2025 йил Ўзбекистонда “Атроф-муҳитни асраш ва “Яшил” иқтисодиёт йили”, деб эълон қилинди.

Хукумат давлат дастурини ишлаб чиқишда “Яшил” технологияларни жорий этиш, сувни тежаш, кўкаламзор худудларни кескин кўпайтириш, Орол фожиясининг оқибатларини юмшатиш, чиқиндилар муаммосини хал қилиш, энг муҳими, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш каби масалаларга устувор аҳамият қаратилиши белгиланди.

Маъзур масаланин аҳамиятига Президент Шавкат Мирзиёев 2021 йил 30 май куни Корея Республикасида ўтказилган “Яшил ўсиш ва глобал мақсадлар учун ҳамкорлик — 2030” (P4G) иккинчи халқаро саммитидаги нутқида ҳам эътибор қаратиб “Бугунги кунда она табиатнинг ўзи

бизга йўллаётган огоҳлик қўнғироғига бепарво бўлмаслигимиз керак. Афсуски, икким ўзгаришлари тобора кучайиб бормоқда. Биз яшаётган Марказий Осиёда сўнгги 30 йилда ўртача йиллик ҳарорат тахминан бир даражага кўтарилди.



Акс садо

МАҲАЛЛАЛАРДА ИШБИЛАРМОНЛАР КЎПАЙСА, ОДАМЛАР ДАРОМАДИ ҲАМ ОШАДИ

Ишсизлик инсон манфаатларига тўғридан-тўғри таъсир қиладиган йирик ижтимоий-иқтисодий муаммолардан бири ҳисобланади. Шу сабабли мамлакатда доимий даромад манбаига эга бўлмаган ва ишсиз аҳоли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларнинг қизиқишини ўрганиш ва уларни касб-хунар ҳамда тадбиркорликка ўргатувчи ўқув марказларига йўналтириш орқали бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу ишларни олиб беришда маҳалла тизимлари асосий таянчга айланди. Маҳаллалардаги мавжуд бўш иш ўринлари ҳамда ҳўжалик юритувчи субъектларнинг мавсумий ишчиларга бўлган талабини аниқлаш орқали ишсизлар, биринчи навбатда, “темир дафтар”, “аёллар дафтари” ва “ёшлар дафтари”га киритилган ёшлар ва хотин-қизларни бўш иш ўринларига жойлаштириш ҳамда ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилишга катта аҳамият бериляпти.

Шунингдек, маҳаллада истиқомат қилувчи аҳолининг оилавий тадбиркорлигини ривожлантириш, жумладан, уларнинг хунар-мандчилик, касаначилик, томорқадан самарали фойдаланиш, кичик ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва бошқа турдаги фаолиятни йўлга қўйиши учун оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида кредитлар олишда кўмаклашилмоқда. Натижада маҳалласидан узоклашмаган ҳолда кичик бизнес ташкил этиб, ўзи, оиласи ва худуддаги кам таъминлан-



Илғор технология ва юқори сифат

АВТОМОБИЛЬ САНОАТИ:

КЕЛАЖАК САРИ ДАДИЛ ҚАДАМ



Автомобилсозлик Ўзбекистон иқтисодиётининг стратегик муҳим тармоқларидан бири бўлиб қолмоқда. Бу нафақат ялпи ички маҳсулотга салмоқли ҳисса қўшиш, балки иш ўринлари яратиш, турдош тармоқларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ва ички талабни рағбатлантириш имконини беради. Мамлакат учун автомобилсозлик иқтисодиётни диверсификация қилиш ва технология муқтақиллигини мустаҳкамлашнинг асосий воситаларидан бири ҳисобланади.

Аҳоли учун ҳам автомобилсозлик муҳим амалий аҳамиятга эга бўлиб, кундалик ҳаёт ва меҳнат учун транспортнинг зарурий даражасини таъминлайди. Маҳаллий автомобилларнинг мавжудлиги кўпроқ вариантларни танлаш имконини беради.



ОГОҲЛИК ҚЎНФИРОФИГА БЕПАРВО БЎЛМАСЛИГИМИЗ КЕРАК

Минтақамиздаги асосий дарёларнинг ҳавзаси ва биологик хилмаҳилликнинг қисқариб бораётгани жиддий хавотир уйғотмоқда. Бугунги кунда "яшил" тараққиёт борасидаги мақсадларга эришиш учун мамлакатларнинг ҳарақатлари янада фаол ва самарали бўлиши кераклигига ҳеч ким шубҳа қилмайпти. Бошқа чорамиз ҳам йўқ, деб таъкидлаган эди.

ҳитга таъсир кўрсатувчи 19573 та объект давлат экологик экспертизасидан ўтказилиб, 688 та корхонада экологик мониторинг амалга оширилди.

Биохилмаҳилликни сақлаш учун муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг рўйхатдан ўтмаган 61,2 минг гектар ерлари тўлиқ давлат рўйхатидан ўтказилиб, 97 та ўсимлик тури, 106 та ҳайвон тури ва 46 та объектнинг геоахборот маълумотлари Миллий геоахборот тизимига киритилди. Сунъий йўлдош суратлари орқали 254,1 млн. туп дарахтнинг координатлари аниқланиб, рақамли харитаси яратилди, шунингдек, 600 мингдан ортиқ дарахтларнинг паспорти шакллантирилиб, тўлиқ параметрлари бўйича маълумотлар электрон плат-формага киритилди.

"Қизил китоб"га киритилган ҳайвонот объектларига етказилган зарарни ундириш суммаларини 10 бараварга, ўсимликлар ва дарахтларни ноқонуний кесганлик учун жарималар 5 бараварга оширилди.

Экологик вазиятни яхшилаш учун "GREEN CITY INDEX" услугиети асосида 13 та ҳудуднинг маъмурий маркази ва Тошкент шаҳрининг экологик паспортлари ва экологик рейтингни шакллантирилди. Халқимизни шаҳарлар экологик барқарорлигининг жорий рейтингини тўғрисида хабардор қилиш, шунингдек, фуқароларга шаҳарларда атроф-муҳитни яхшилаш бўйича ишлаб чиқилган ҳужжатлардан фойдаланиш имкониятини таъминлаш мақсадида "greencities.uz" онлайн плат-формаси ҳам ишга туширилди.

Марказий Осиёда дастлабки экологик муаммоларга илмий ечим топишга қаратилган илмий даргоҳ — Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университети фаолияти ташкил этилди.

Экологик вазиятни барқарорлаштириш мақсадида 222 минг гектар майдонда ўрмон барпо қилиш ва қайта тиклаш тадбирлари амалга оширилди. Жумладан, Орол денгизининг қуриган туби ва Оролбўйи ҳудудларида кум қўчиши ҳамда атмосфера ҳавосига тузчанг кўтарилишини бартараф этиш мақсадида 215 минг гектар майдонда "яшил қопламалар" барпо қилиниб, уларнинг майдони 1,9 млн. гектарга етказилди.

Чўл, тоғ ва тоғолди ҳудудларида чўлланиш ва кум қўчиши, сув ва tuppoқ эрозиясининг олдини олиш мақсадида 1 минг гектар майдонда химоя ўрмонзорлари яратилди. Ўрмон барпо этиш ҳамда қўқаламзорлаштириш тадбирлари учун дарахт ва буталарнинг 1039 тонна уруғлари жамғарилиб, 127 млн. туп манзарали ва мевали ниҳол ва кўчатлар еттиштирилмоқда. Ниҳолхона ва кўчатхоналар майдони 1,1 минг гектарни ташкил этади.

Бу каби чора-тадбирларни амалга оширишда бошқарув органлари ва ҳудудий маҳаллий тузилмалар фаолиятини ҳам ривожлантириш мақсадида мувофиқ. Зеро, атроф-муҳитни асраш сайру саёҳат ва дам олиш учун хавфсиз имижини ривожлантириш ҳамда туризм бренди асосида тур маҳсулотларини халқаро бозорга олиб чиқишда алоҳида ўрин эгаллайди.

Умуман, 2019 — 2025 йилларда амалга оширилиши кўзда тутилган Ўзбекистон Республикаси туристик маҳсулотини ички ва ташқи туризм бозорларида илгари суриш, унинг саёҳат ва дам олиш учун хавфсиз маҳлакат сифатидаги имижини мустаҳкамлашга қаратилган ягона миллий туризм брендини яратиш бўйича ҳам чора-тадбирлар белгилаб олинган.

Шу нуктага назардан, жорий йил амалга оширилган чора-тадбирлар алоҳида аҳамиятга эга. Бундан кўзланган мақсад атроф-муҳитга, ҳудуд ва минтақа табиати, ҳайвонот олами, биохилмаҳилликка зарар етказилишининг олдини олишдир.

Жамила БОБАНАЗАРОВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

МАҲАЛЛАЛАРДА ИШБИЛАРМОНЛАР КЎПАЙСА, ОДАМЛАР ДАРОМАДИ ҲАМ ОШАДИ

Ҳар бир маҳалла бўйича мақсадли кўрсаткичлар белгиланиб, аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган "Маҳалла лойиҳаси" дастури доирасида ажратилган 1 млрд. доллар кредит ресурслари банклар ва ҳудудлар кесимида тақсимланди. Лойиҳа ишлаб чиқиш, кредит ажратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича туман банки раҳбарларига ойма-ой самардорлик кўрсаткичи кўйилди.

Албатта, ушбу масалага бу даражада катта эътибор қаратилаётгани беҳиз эмас. Сабаби жойларда учрашувлар чоғида кўплай ёшлар, хотин-қизлар билан мулоқот қиламиз. Уларнинг аксариятида тадбиркорлик билан шуғулланишга, бизнесни бошлашга

бўлган қизиқиш юқори. Кўзларни ёниб турибди, қалби орзуларга тўла. Лекин уларнинг бирор ишининг бошини туттириш, ўз лойиҳасини амалга оширишига имконияти йўқ, қурби етмайди.

Эндиликда Марказий банк раиси ва унинг ўринбосарлари ҳудудларга чиқиб, жойлардаги банк филиалларининг маҳаллалардаги ишларини янгилаш ёндашув асосида ташкил қилиши айни мuddа бўлди. 2025 йил 1 февралга қадар туман банклари филиалларида маҳаллабай ишлаш бўлимлари ташкил этилиб, уларга маҳалла банкирлари тайинланиши, ҳар бир маҳаллада улар билан бирга ишлайдиган ёрдамчи-агентлар танлаб олиниши ҳам жуда тўғри ва оқилона қарордир.

Бундан ташқари, ҳудудий банклар ҳамда туман ҳокимлари аҳолини тайёр бизнес лойиҳалари билан таништириб боради, уларни амалга ошириш кўникмалари ўргатилади. "online-mahalla.uz", "bank-kredit.uz" ва "soliq.uz" ахборот тизимлари интеграция қилиниб, масъулларга юқлатилган вазифалар ижроси кунлик таҳлил этиб борилади. Бу, ўз навбатида, мамлакатда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, янги тадбиркорлик субъектлари сонини кенгайтириш ва ҳар бир маҳаллада тадбиркорликни ривожлантиришга замин ҳозирлайди.

Йиғилишда 2025 йил бандлигини таъминлаш ва камбағалликни камайтиришда ҳал қилувчи йил бўлиши

таъкидланди. Бу юртимизда инсон қадрини улуғлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш орқали одамларнинг турмуш фаровонлигини яхшилашга қаратилган амалий ишлар янги босқичга чиқишига ишорадир.

Маҳаллаларда аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадли қилиш бўйича олиб борилаётган барча саъй-ҳаракат, ушбу йўналишда кўрилатган чора-тадбирлар чекка-чекка ҳудудларнинг ўзидан бизнес муҳитини яхшилаш, тадбиркорликнинг кенг қулоқ ёйишига ҳамда аҳоли реал даромадларини оширишга хизмат қилади.

Одинахон ОТАХОНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ЭЗГУ ТАШАБУСУНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

Янги тахрирдаги Конституциямизнинг 17-моддасида Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти экани, Ўзбекистон ташқи сиёсат ботида низоларни тинч йўл билан ҳал этиш принципи асосини белгилаб қўйилган. 18-моддада эса Ўзбекистон Республикаси давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан икки ва кўп томонлама муносабатларни ҳар тарафлама ривожлантиришга қаратилган тинчликсевар ташқи сиёсатни амалга ошириши ўз ифодасини толган.

жабр кўрган фаластинлик болалар ва аёлларни Ўзбекистондаги клиникаларда бепул даволашга тайёр эканини билдирган эди.

Ушбу ташаббуснинг исботи сифатида яқинда фаластинлик ярадор аёллар ва болаларнинг 100 нафари уларнинг ҳамроҳлари билан бирга юртимизга олиб келинди. Бу амалиёт икки давлатнинг Соғлиқни сақлаш вазирликлари ҳамкорлигида Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилди. Айни чоғда улар тиббий кўриқдан ўтказилиб, даволашни ва соғлигини тиклаш учун реабилитация марказлари ва шифохоналари жойлаштирилди. Энг муҳими, уларнинг ҳаётга тўлақонли мослашувини таъминлашга кўмак берилади.

Бундай амалий саъй-ҳаракатлар Ўзбекистоннинг Яқин Шарқдаги жоҳорани тинчлик ва дипломатия йўли билан ҳал қилиш тарафдори эканидан ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормаларига содиқлигидан далолат беради.

Зафар ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Айтиш жоизки, бугун Ўзбекистон бундай принциплари ва нормаларга содиқлигини ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатда ўзининг амалий ишлари билан исботлаб келмоқда.

Шунингдек, 2024 йил 11 ноябрь куни Фаластин масаласига бағишланган факулдада араб-ислом саммитидан иштирок этиб, тинчлик ва инсонпарварлик руҳидаги бир қатор ташаббусларни илгари сурган эди. Хусусан, минглаб беғуно болалар, аёллар ва кексалар ўлимга сабаб бўлаётган бу вайронкор ва мудҳиш ҳужумлар инсониятни янги тарихининг энг қора саҳифасига айланаётганини қайд этганди.


Президентимиз Яқин Шарқда рўй бераётган мисли кўрилмаган гуманитар фожиани, тинч аҳолига қарши вайронкор ҳужумларни, айниқса, беғуно болалар, кексалар ва аёллар қурбон бўлаётганини ҳеч қандай оқлаб бўлмаслигини, бу жоҳорга қўшни мамлакатлар ва йирик давлатларнинг тортилиши билан минтақа глобал инқирознинг катта ўчоғига айланиб бораётганини ўтган йил Бишкек шаҳрида ўтказилган Туркий давлатлар ташкилоти саммитида, Қозон шаҳрида бўлиб ўтган "БРИКС+" саммитида ҳам таъкидлаганди.

Шу билан бирга, иктомийи инфра-тузилма объектлари, мактаб ва шифохоналар, масжидлар, бутун бошли шаҳарлар йўқ қилиб ташланаётгани, миллионлаб тинч аҳоли бошпанасиз қолиб, очарчилик ва касалликларга маҳкум бўлаётганини изтиробсиз кузатиш мумкин эмаслигига уруғ бериб, урушдан

МУТОЛАА ВАТАНПАРВАРЛИК ЎЗЛИК ТУЙҒУСINI АНГЛАШДАН БОШЛАНАДИ

Долзарб мавзулардаги қизиқарли материаллари, ўзига хос миссияси ва мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичини ҳоҳиятида акс эттираётган "Ватан" ижтимоий-сиёсий, илмий-маърифий журналининг 4-сонини чоп қилинди.

Нашрнинг навбатдаги сонидан жой олган мазмунан пишиқ, таҳлилий-танқидий мулоҳазаларга бой мақолалар, суҳбатлар, талқин ва мушоҳадалар муштарийни кўхна ва шонли тарих ҳақиқатлари, миллий ғурур ва ўзлик туйғуларни, фидойилик, матонат ва жасорат фазилатлари, қисқача айтганда, ВАТАН ва унинг истиқбол учун кураш тушунчаси билан юзлаштиради. Уни турли фикрий қўллардан ташқари чикиб мушоҳада юритишга, бугунги кун воқеалий таваққури билан таҳлил этишга, замон билан ҳамнафасликка ундайди.



Журнал муқовасида таъкидлаб келганимиздек, то-пология ва функционал анализ бўйича Тошкент илмий мактаби асосчиси, академик Тошмухаммад Саримсоқов сурати берилган.

Илк саҳифада давлатимиз раҳбарининг буюғ дунёда "Ўзбек", "Ўзбекистон" деган номлар билан яшаб қолиши истасак, маънавий-маърифий соҳада кўндаланг бўлиб турган масалаларни бугун ҳал этиш, долзарб саволларга жавоб топиш шартлиги ҳақидаги давлати берилган. Айни пайтда ҳозирги кескин шароитда гоёвий-мафкуравий соҳада рақобатга тайёрлик, ёш авлод тарбияси билан боғлиқ ушбу илмий журналининг бутун мазмун-мундарижасида қилиб ил бўлиб ўтади.

Ўзбекистон Республикасининг Бельгия, Нидерландия ва Люксембургдаги Фавкулдада ва мухтор элчиси, Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи ва НАТОдаги ваколатхоналари раҳбари Файрат Фозилованинг "Ўзбекистон — Европа Иттифоқи: ўзаро сиёсий мулоқот ҳеч қачон бугунгидек жадал ва самарали бўлган эмас!" сарлавхали мақоласида сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги ҳамкорлик янги босқичга кўтарилгани ҳаётини мисоллар негизида асосланади. Айниқса, инсон ҳуқуқлари, менежмент, рақамли инновациялар, инклюзив ўсиш, барқарор қишлоқ ҳўжалиги, хотин-қизлар ҳуқуқлари ва бошқа кўплай соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш ва кенгайтириш бўйича катта натижаларга эришилгани таъкидланади. Ана шу сиёсий мулоқот икки томонлама муносабатларимиз

тарихида ҳозиргидек жадал ва самарали кенмагани қайд қилинади.

Шоир ва таржимон Азиз Саиднинг "Оламини ўзгартирмоқчи бўлсан..." сарлавхали мақоласи миллий идентитет (қимлик), тил, мафкура ва миллий таваққур, қалб ва руҳ озодлиги борасида мушоҳадаларга бойлиги билан аҳамиятли. Муаллиф собиқ тузум даврида пухта ўйланган руҳий ва гоёвий босим остида неча-неча авлод ўз тарихидан, ўзлигидан мосуво қилиб тарбиялангани, миллатни ғурурсиз, орсиз, ўз аждодлари ва ўтмишини лаянатлайдиган манкурт ва зомбиларга айланганига эътибор қаратади. Қўрқув ва ҳадик, ҳиёнат ва алдов, зулм ва ўравонлик не не миллат ойдилларининг ҳаётини зўмон бўлганини ўргулайди. Унинг "Баъзан ўйлаб қоласан киши: 30 — 40-йилларда миллатимиз гулларининг қатағон қилинишига, озодлик учун курашчиларимизнинг енгиллишига, алифбамиз қайта-қайта ўзгартирилиб, тарихий ва маънавий илдизларимиздан узиб қўйилишида, ўз динимизга сиғинишга кўрқиб қолганимизга қизил босқинчилардан кўра ўзимиз кўпроқ ҳисса қўшмаганимиз..." деган мулоҳазаси ўқувчини ўйлантириб қўяди. Тарихдан зарур хулосалар чиқаришга ундайди.

Қисқача айтганда, саҳифалардан жой олган ҳар бир мақола, суҳбат, интервью, фикр, шеър уҳюқа моҳиятини гоёси журнал номига уйғун ҳолда муштарийда шу юртининг бугунги, эртаси, тақдирга дахлдорлик ҳиссини ўйғотади, қалбида Ватан туйғусини оловлантиради.

Нашрнинг янги сони ҳам муштарийларга манзур келишига ишончимиз қомил.

«Халқ сўзи».

БАХТЛИ ҲАЁТИМИЗ ВА ОРЗУ-УМИДЛАРИМИЗНИНГ ОЛИЙ МЕЗОНИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Янги йил байрами муносабати билан Ўзбекистон халқига, шунингдек, мамлакатимиздаги турли соҳалар фаоллари, зиёлилар ва фахрийларга йўллаган табриги жойларда кўтаринки руҳда кутиб олинди. Байрам шуқуҳига-шуқуҳ қўшган ушбу табрик юртимизда инсон, унинг қадрини, ҳуқуқ ва манфаатларини, бахтли ҳаётини, орзу-умидларини энг олий мезон эканининг яна бир амалий ифодаси бўлди.

Дил сўзи

Иброҳим АСҚАРОВ,
Ўзбекистон тиббий-илмий фаолият билан шуғулланувчилар Табобат академияси раиси, кимё фанлари доктори, профессор:



— Янги йилни катта хурсандчилик билан кутиб олдик. Давлатимиз раҳбарининг табриги бу қувончини янада оширди. Шу юрт фуқароси эканимдан яна бир бор фахрландим. Қилаётган меҳнатларимиз, мамлакатимизнинг манкурт ва зомбиларга айланганига эътибор қаратади. Қўрқув ва ҳадик, ҳиёнат ва алдов, зулм ва ўравонлик не не миллат ойдилларининг ҳаётини зўмон бўлганини ўргулайди. Унинг "Баъзан ўйлаб қоласан киши: 30 — 40-йилларда миллатимиз гулларининг қатағон қилинишига, озодлик учун курашчиларимизнинг енгиллишига, алифбамиз қайта-қайта ўзгартирилиб, тарихий ва маънавий илдизларимиздан узиб қўйилишида, ўз динимизга сиғинишга кўрқиб қолганимизга қизил босқинчилардан кўра ўзимиз кўпроқ ҳисса қўшмаганимиз..." деган мулоҳазаси ўқувчини ўйлантириб қўяди. Тарихдан зарур хулосалар чиқаришга ундайди.

Ўзбекистондагидек давлат раҳбарининг фуқароларга, илм аҳлига бундай ҳурмат, эъзоз, эҳтиром кўрсатишини, тўғриси, бошқа жойда кўрмаганман, эшитмаганман.

Президентимизнинг халқимизга табригида 2025 йилга мамлакатимизда "Атроф-муҳитни асраш ва "яшил" иқтисодиёт йили" деб ном берилгани уруғларан экан, асосий мақсади — инсон ва табиат мувозанати асосланган тизим яратиш экани таъкидланди. Албатта, бу тизим нафақат атроф-муҳит, балки, аввало, одамлар саломатлигини тиклаш ва барқарорлаштиришга улкан ҳисса қўшади.

Биз шуғулланадиган халқ табобати ҳам касаллиқни даволашда, аввало, инсон танасидаги муҳитни яхшилашга, турли микроэлемент-



ларнинг мувозанатини таъминлашга ҳаракат қилинади. Шу боис бугун соҳа ривож учун барча шарт-шароит яратиб берилди.

Мамлакатимизда табиат ва инсонлар соғломлиги давлат сиёсати даражасига кўтарилгани бизни қувонтирибди. Айниқса, зиммамиздаги масъулиятни янада оширади. Янги йилда ушбу масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда олдимизга қўйган мақсадлар сари дадил интилаверамиз.

Самандар ЖУМАЕВ, Сирдарё вилояти шахмат федерацияси тренери:

— Президентимиз ҳар бир нутқидан, табригида, албатта, ёшлар масаласига уруғ қаратиш кўнглимизни тоғдек кўтаради. Янги йил байрами табригида ҳам билимли ва шижоатли, навқирон ёшларнинг улкан ютуқларни қўлга киритаётгани, айниқса, Олимпия ва Паралимпия ўйинларида эришилган рекорд натижаларда миллий спортимиз тарихида янги саҳифа очгани эътироф этилди.



2025 йилда илм-фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат, спорт соҳаларига эътибор янада кучайтирилиши таъкидланди. Бундан жуда мамнун бўлдик.

Ўзим шахматга қизиқадиганларга сабоқ бераман, шу билан бирга Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети талабасиман. Ушбу масканда шахмат бўйича чуқур назарий ва амалий сабоқ оляман. Шу ўрида айтиш жоизки, шахматнинг олий таълим йўналишидан бири сифатида ўқитилишининг йўлга қўйилгани юртимизда маъруз спорт турини янада ривожлантиришда муҳим қадам бўлди.

Кейинги йилларда шахматни аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш ва уни оммавий спорт турига айлантириш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, унинг болалар ўртасида тобора қизиқарилиб машғулота айланаётгани таҳсинга лойиқ. Бунга "Мақтабда шахмат" лойиҳаси иштирокчилари кўпайиб бораётгани ҳам далолатдир.

Фахр билан айтманки, бундан неча юзлаб йиллар олдин ҳам юртимизда шахмат аждодларимизнинг энг сеvimли спорт тури бўлган. Жаҳон шахмат тарихида Ватанимизнинг ҳам муносиб ўрни бор. Айни пайтда янги Ўзбекистонимиз бошқа кўплай спорт турлари қаторида шахматда ҳам дунёнинг етакчи мамлакатлари сафидадир. Яқин йилларда жоҳон Ватанимиз номини энг юқори натижалар билан шарафлайдиган кўплай юқори салоҳиятли шахматчилар етишиб чиқишига ишонаман.

«Халқ сўзи».



Мамлакатимизнинг Жанубий Кореядаги элчихонасида «Элчи ва ёшлар учрашуви» бўлиб ўтди.

АВТОМОБИЛЬ Саноати: КЕЛАЖАК САРИ ДАДИЛ ҚАДАМ

Сўнгги йилларда эришилган муваффақиятларга қарамай, Ўзбекистонда автомобилсозлик саноати мавқеини янада мустаҳкамлаш борасида олдимизда салмоқли ишлар турибди. Инновацияларга сармоя киритиш, махсулот сифатини ошириш, экспорт салоҳиятини ривожлантириш ва кадрлар тайёрлаш нафақат иқтисодий, балки ҳар томонлама ўсишни қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишларидир. Автосаноатнинг ривожланиши турдош тармоқлар, жумладан, металлургия, кимё, электроника ва логистика соҳаларининг юксалишига ёрдам беради, бу эса умумий иқтисодий барқарорликни мустаҳкамлайди.

Махсулот сифати яхшиланди

Ўтган йилда мамлакатимиз автомобил саноати ишлаб чиқариш ва экспорт кўрсаткичларининг барқарор ўсишини қўллади, ижобий динамикани намойиш этди. Янги ишлаб чиқариш линияларининг ишга туширилиши, мавжуд корхоналарнинг модернизацияланиши махсулотлар сифати ва халқаро бозорларда рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилди. Бундан ташқари, халқаро стандартларга жавоб берадиган замонавий ва экологик тоза автомобиллар моделларини ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилди. 2024 йилда Ўзбекистон автомобилсозлик соҳаси олдинга муҳим қадам ташлади, аммо муваффақиятларни мустаҳкамлаш ва янги чўққиларни эгаллаш учун инновациялар, инфра-тузилмани такомиллаштириш ва инсон капиталини ривожлантиришга сармоя киритишни давом эттириш зарур.

Мамлакат аҳолиси учун автомобилсозлик соҳаси қулай нархлардан сифатли транспорт воситаларидан фойдаланишни таъминлайди, ҳаракатчанлик ва турмуш даражасини оширади. Автомобил экспортининг давлатнинг ишончли савдо шериги сифатидаги нуфузини мустаҳкамлайди ва иқтисодиётини диверсификация қилишга, аънанавий хомашё тармоқларига қарамликни камайтиришга қўмақлашади.

Ўтган йил давомида ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, янги технологияларни жорий этиш ва экспорт имкониятларини кенгайтиришни ўзида жамлаган ҳолда соҳа фаол ривожланди. Ушбу соҳа-ҳаракатлар сезиларли натижалар берди, бу ҳам иқтисодий кўрсаткичларда, ҳам махсулот сифатининг яхшиланишида ўз ифодасини топмоқда. 2024 йил якуни бўйича 73 трлн. сўмлик махсулот, жумладан, 430 минг дона энгил автомобиль ишлаб чиқарилди. Бу — 2016 йилдагига нисбатан ўсиш 4,8 баробарни ташкил этганини аниқлатади. Экспорт 571 млн. долларга (2016 йилдагига нисбатан ўсиш — 11,3 баробар) етган бўлса, автомобилсозлик соҳасининг саноатдаги улуши 11 фоиздан ортди. Давлат бюджетига 9 трлн. сўмдан кўпроқ солиқ ва бошқа тўловлар амалга оширилди. Ўзбекистонда автомобиллар пар-

ки 4,3 млн. донга етказилди (2016 йилдагига нисбатан ўсиш — 2,1 баробар), 1 минг кишига автомобиллар сони 117 тани ташкил этди (2016 йилдагига нисбатан ўсиш — 1,8 карра).

Электромобиль ва гибрид автомобиль ишлаб чиқариш лойиҳаси

Жаҳонда сотилган янги автомобилларнинг умумий ҳажмида электромобилларнинг улуши беш йилдан кейин 33 фоизга, 2035 йилга бориб эса 54 фоизга ортади. Лекин дунёда электромобиллар ишлаб чиқаришнинг жадал ривожланиб бориши бу каби мuddат ва кўрсаткичларга ундан олдинроқ эришилишидан ҳам далолат бермоқда. Чунки ўтган йилнинг ўзида бундай машиналар улуши автомобил бозорига 2 баробарга ўсган. 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида “яшил” иқтисодиётга ўтиш, жумладан, электромобиллар ишлаб чиқариш бўйича ҳам мақсадлар белгиланган.

Ҳақ шундаки, бугунги кунда жаҳондаги сингари юртимизда ҳам муқобил энергияда ҳаракатланувчи автомобилларга эҳтиёж охиб бормоқда. Ушбу транспорт тури тоза энергия ёрдамида ҳаракатланади, углерод чиқиндиларини чиқармайди ва атропо-мўҳитни ифлослантирмайди. Электромобилларнинг юрш харақати оддий автомобилга нисбатан 13 бараварга кам бўлгани ҳолда, 3 баравар кам “иссиқхона газлари”ни ажратиб чиқаради. Ўзбекистон Президентининг 2024 йил мартдаги “Ўзбекистон Республикасида электромобиль ва гибрид автомобиллар ҳамда уларнинг бутловчи қисмларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш” инвестиция лойиҳасини амалга ошириш тўғрисидаги инвестиция шартномасини тасдиқлаш ҳақида”ги қарори ҳам беҳиз қабул қилинган йўқ. Унга мувофиқ, лойиҳани амалга ошириш даврида умумий қиймати 160 млн. АҚШ долларини миқдорда инвестиция, шу жумладан, 60 млн. АҚШ долларини миқдорда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилади.

Инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг кейинги даврларида электромобиль ва гибрид автомобиллар ишлаб чиқариш қувватини босқичма-босқич йилга 500 минг донгача кўпайтириш, ишлаб чиқариладиган электромобиль ва гибрид автомобилларнинг маҳаллийлаштириш даражасини 60 фоизга етказиш, маҳаллий аҳоли учун 10 мингта янги иш ўрини яратиш, электромобиль ва гибрид автомобилларнинг доимий равишда экспортга чиқариладиган давлатлар рўйхатини кенгайтириш; сифатли ва хавфсиз электромобиль ва гибрид автомобилларни харид қилиш, уларнинг маҳаллий иқлим шароитларига мувофиқлигини таъминлаш ҳамда кафолатли сервис хизматини кўрсатиш бўйича истеъмолчиларнинг манфаатларини ҳимоялаш



“Ўтган йил давомида ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, янги технологияларни жорий этиш ва экспорт имкониятларини кенгайтиришни ўзида жамлаган ҳолда соҳа фаол ривожланди. Ушбу соҳа-ҳаракатлар сезиларли натижалар берди, бу ҳам иқтисодий кўрсаткичларда, ҳам махсулот сифатининг яхшиланишида ўз ифодасини топмоқда. 2024 йил якуни бўйича 73 трлн. сўмлик махсулот, жумладан, 430 минг дона энгил автомобиль ишлаб чиқарилди.”

чораларини ишлаб чиқиш; автомобил ишлаб чиқарувчи корхоналарга, шу жумладан, инвесторга қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган имтиёз ва преференцияларни беришда тенг шарт ҳамда шароитларни яратиш қарорда кўрсатиб ўтилган.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Хитойнинг “BYD” компанияси ҳамкорлигида Жиззахдаги янги заводда “Chazot” ва “Song Plus Champion” моделларини ишлаб чиқариш бошланди. Лойиҳа доирасида 60 млн. доллар миқдорда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияни ўзлаштириш, 1 200 та иш ўрни ҳамда республика бўйлаб 21 та дилерлик ва сервис маркази яратилиш кўзда тутилган. Заводда автомобил кувовларини пайванда-лаш, бўяш ва йиғиш учун юқори тажрибаси, шунинг учун хитойлик раҳбар унга алоҳида эътибор қаратяпти. Бундан ташқари, келишув шартлари махсулотларни маҳаллийлаштириш дастурини ўз ичига олади. Кейинги босқичларда двигателлар, электродвигателлар, шунингдек, батареялар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Электромобилларнинг оддий автомобилдан устун томони, бу — фойдаланиш харажатларининг камлиги. 100 км йўл учун электромобиль (13 кВт-соат) уй шароитида ўртача 3900 сўмлик, кўчада 32500 сўмлик заряд ола, шу масофага ёнилғи двигателда ҳаракатланувчи автомобиль 64 минг сўмлик ёнилғи ишлатади, яъни 16 баравар кўпроқ. Агар харидор бир йилда 20 минг км. масофа юрадиган бўлса, 10 — 12 млн. сўм атрафида маблағ иқтисод қилади. Қолаверса,

Қозғистонга экспорт қилиш режалаштирилган. Маълумки, “BYD” автоконцерни электромобиллар соҳасида етакчи ҳисобланади. У янги энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда, энгил автомобиллар, кроссоверлар, тижорат автомобиллари ва автобуслар ишлаб чиқаради. 2024 йил якунига бўйича компания 4 млн. 272 мингдан зиёд электромобиллар сотган. Бу унга АҚШнинг “Tesla” компаниясини ҳам ортда қолдириб, электромобиллар савдоси бўйича жаҳон етакчисига айланиш имконини берди.

Мамлакатимиз электромобилларни оммавийлаштириш ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун бир неча рағбатлантирувчи жиҳатларга эга. Электр энергияси нархининг пастлиги, илқ ва иссиқ иқлим (батареялар кам қувват йўқотади) ҳамда қўшни давлатларда бундай ишлаб чиқаришнинг мавжуд эмаслиги шулар сирасига киради. “Ўзавтосаноат” АЖ бундай улкан лойиҳани амалга ошириши натижасида “BYD” автомобилларининг тўлиқ цикли (CKD: штамплаш, пайвандаш, бўяш, йиғиш) ишлаб чиқаришни ташкил этишга эришади.

Этиборли жиҳати, “BYD” учун бу аслида чет элда ишлаб чиқаришни кенгайтиришнинг биринчи тажрибаси, шунинг учун хитойлик раҳбар унга алоҳида эътибор қаратяпти. Бундан ташқари, келишув шартлари махсулотларни маҳаллийлаштириш дастурини ўз ичига олади. Кейинги босқичларда двигателлар, электродвигателлар, шунингдек, батареялар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Электромобилларнинг оддий автомобилдан устун томони, бу — фойдаланиш харажатларининг камлиги. 100 км йўл учун электромобиль (13 кВт-соат) уй шароитида ўртача 3900 сўмлик, кўчада 32500 сўмлик заряд ола, шу масофага ёнилғи двигателда ҳаракатланувчи автомобиль 64 минг сўмлик ёнилғи ишлатади, яъни 16 баравар кўпроқ. Агар харидор бир йилда 20 минг км. масофа юрадиган бўлса, 10 — 12 млн. сўм атрафида маблағ иқтисод қилади. Қолаверса,

электромобилларда сервис харажати 30 фоизга (мой, филтёр, шам йўқ) кам. Электромобилларга техник хизмат кўрсатиш даврийлиги 20 минг км. атрафида бўлса, оддий автомобилларга хар 5 — 7 минг километрда техник хизмат кўрсатилиши лозим бўлади.

Инвестициялар ва маҳаллийлаштириш

2024 йилда “Ўзавтосаноат” АЖ тизим корхоналарининг инвестиция лойиҳалари доирасида 243 млн. доллар инвестициялар, шу жумладан, 188 млн. доллар миқдорда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилди.

21 та маҳаллийлаштириш лойиҳаси доирасида 17,4 трлн. сўмлик маҳаллий махсулот ишлаб чиқарилди ҳамда 453,1 млн. долларлик импортни қисқартиришга эришилди. 181 дона автомобиль деталларини маҳаллийлаштириш ҳисобига 602 млрд. сўмлик ишлаб чиқариш харажатлари қисқартирилди. Жумладан, тармоқларо кооперация ва шатакка олиш механизми орқали тармоқ корхоналари томонидан “Дамас” ва “Трекер” моделлари учун шиналар, “Трекер” ва “Оникс” моделлари учун том рейтинглири, ускуналар панели, филдираклар, ёритиш чиқроқлари, ўриндиқ матолари ва сунъий чарм қопламалари етказиб бериш йўлга қўйилди. Натижада ўтган йилда тармоқда 2 300 дан ортик янги иш ўринлари яратилди. Жами тармоқда иш билан банд бўлганлар сони 39 минг нафарни ташкил этди (2016 йилдагига нисбатан ўсиш — 1,6 баробар).

2024 йил автомобилсозлик иқтисодиётимизнинг драйвер соҳаларидан бирига айланди. Автомобилсозликда амалга оширилаётган ислохотлар ҳисобиغا инвестицияларни жалб этиш, соҳани модернизациялаш, янги ишлаб чиқариш тармоқларини йўлга қўйиш, уларни кенгайтириш, энг асосийси, янги иш ўринларини ташкил қилиш имконияти яратилмоқда.

Фарҳод Тўраев, «Ўзавтосаноат» АЖ раиси ўринбосари.



Мажбурий ҳарбий хизмат бўйича янги қоидалар кучга кирди

Эндиликда Грузияда мuddатли ҳарбий хизматга қақиров “Миллий мажбурий ҳарбий хизмат” деб аталадиган ҳарбий хизмат тамойили асосида бажарилади. Қақирилувлар 18 ёшдан 27 ёшгача бўлган, ҳарбий ҳисобда турган фуқаролар учун тасодифий танлов бўйича амалга оширилади.

Мuddатли хизмат учун пул тўланади, шунингдек, таътил ва дам олиш кунлари берилади. Қақирувлар йил давомида босқичма-босқич эълон қилинади. Хусусан, жанговар бўлинмалар учун қақирув 15 апрелдан бошланади.

Қўриқлаш ва таъминот бўлинмалари учун хизматга қақирув 15 март, 1 июнь, 15 август ва 1 ноябрдан тўрт босқичда ўтказилади.

Кичик командирлик унвони ва маълум мутахассисликка эга бўлиш учун қақирувлар эса 15 октябрдан бошланиши белгиланган.

Европа Иттифоқидан Мисрга иқтисодий ёрдам

Мисрда бош вазири Мустафо Мадбулининг Қоҳирада ўтказилган матбуот анжуманида маълум қилишича, Европа Иттифоқининг иқтисодий ёрдам сифатидаги биринчи транши мамлакат Марказий банкига 2024 йил 27 декабрда тушган. “ЕИ Миср иқтисодиётини қўллаб-қувватлаш дастурини амалга ошириш доирасида 1 миллиард евро миқдорда биринчи траншини йўналтирди”, деди Мадбули.

Мисрда ЯИМ ўсиши 2024 йилда 3,5 фоизни ташкил этган. Бу факт “қоқимият тўри йўналишида кетаётгани белгисиз” сифатида баҳоланиши керак, деди бош вазир. Унинг таъкидлашича, ҳуқумат 2025 йилга мўлжалланган “аниқ режа”ни ишлаб чиққан бўлиб, у Рамазон ойи бошлангунча қадар давлат ўзининг барча молиявий мажбуриятини бажаришини ва асосий махсулотлар нархларини барқарорлаштиришни таъминлашга қаратилган.

Коинотдаги чиқиндилар Ер қуррасига хавф соляпти

“CNN” хабарига кўра сўнгги тўрт йил ичида коинотга турли жиқмларни учирди суръати кескин ўсди. “Бу тақдидли вазиятни юзга келтиради”, дейди Аризона университети профессори Вишну Редди.

Европа космик агентлиги маълумотига кўра 1957 йилда космик тақидқотлар бошланганидан бери коинотда 650 дан ортик портлаш, тўқнашув ёки парчаланишга олиб келган фавқулодда ҳодисалар содир бўлган. Бундай вазиятлар қаторига сунъий йўлдошларнинг тасодифий тўқнашуви, ракета ва космик кема қисмларининг қутилмаган портлаши, АҚШ, Россия, Ҳиндистон ва Хитой каби мамлакатларда ўтказилган курул-яроғ синовлари ва уллар орбитадаги турли баландиқларда парчаланиши киради.

Сайёрамиз нуфуси кўпаймоқда

Германиянинг Жаҳон аҳолиси жамғармасининг маълум қилишича, 2024 йилда Ер аҳолиси сони ўтган йилдагига нисбатан қарийб 82 миллион кишига кўпайди.

Ҳисоб-китобларга кўра 2025 йил 1 январда дунё нуфуси 8,156 миллиард кишига етган. Экспертлар, айниқса, Африка китмасида яқин йигирма йил ичида одамлар сони икки баравар кўпайишини тахмин қилмоқда.

БМТнинг ҳисоб-китобларига кўра 2037 йилда сайёрамиз аҳолиси 9 миллиарддан ошиши мумкин.

АҚШ аҳолини рўйхатга олиш бюроси ҳисоб-китобларига кўра аҳолининг ўсиши ўтган йилда 2023 йилдагига нисбатан бироз секинлашди. 2023 йилда дунё аҳолиси 75 миллионга, 2024 йилда эса 71 миллиондан ортик кишига кўпайган.

ЯИМ кўрсаткичлари таҳлил қилинди

Халқаро валюта жамғармаси таҳлилчилари жаҳон ялли ички махсулотининг 3,2 фоизга ўсишини ҳамда 115,3 трлн. АҚШ долларига етишини башорат қилмоқда.

Таҳлилларга кўра дунёдаги энг йирик АҚШ иқтисодиёти ҳажми 2025 йилда 30,3 трлн. долларга етади. Хитой 19,5 трлн. доллар кўрсаткичи билан иккинчи ўрнини мустаҳкам сақлаб қолади, Германия иқтисодиёти эса (4,9 трлн. доллар) учинчи ўринни эгаллайди. Кейинги ўринларда Япония ва Ҳиндистон иқтисодиётлари жойлашган бўлиб, уларнинг ҳажми мос равишда 4,4 ва 4,3 трлн. долларни ташкил этади.

2025 йилда иқтисодий жиҳатдан бақувват давлатлар рўйхатига Буюк Британия (3,7 трлн.), Франция (3,3 трлн.), Италия (2,5 трлн.), Канада (2,3 трлн.) ва Бразилия (2,3 трлн.) ҳам киради.

Россия ушбу рейтингда 2,2 трлн. доллар билан 11-ўринни эгаллаб турибди. Шунингдек, иккинчи ўталоқдан Жанубий Корея (1,9 трлн.), Австралия (1,9 трлн.), Испания (1,8 трлн.), Мексика (1,8 трлн.), Индонезия (1,5 трлн.), Туркия (1,5 трлн.), Нидерландия (1,3 трлн.), Саудия Арабистони (1,1 трлн.) ва Швейцария (1 трлн.) жой олган. Дунёнинг қолган ҳар бир мамлакатининг номинал ЯИМ кўрсаткичлари 2025 йилда 1 трлн. АҚШ долларидан ошмайди.

Интернет хабарлари асосида Шарофиддин Тўлаганов тайёрлади.

ЎЗБЕКИСТОН КАБИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ СУРЪАТЛАРИГА ЭРИШАЁТГАН ДАВЛАТЛАР ЖУДА КАМ

Самарқандда бўлиб ўтадиган ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессияси Австрия пойтахтида кенг тарғиб қилинди. Ўзбекистон элчихонаси кўмаги билан Тошкент кимё-технология институтини ва “Ўзимёсаноат” АЖ вакиллари билан ташкил топган делегация амалий таширф билан Вена шаҳрида бўлди.

Биз ва жаҳон

Австриядаги Вебстер университети филиали ва Вена университетига Ўзбекистонда бағишлаб ташкил қилинган тадбирларда мамлакатимизнинг бой маданий мероси, савдо-иқтисодий, сайёҳлик ва гастрономик салоҳиятини тарғиб этувчи тақдиротлар ўтказилди. Уларда дипломатик корпус, иқтисодий, бизнес, илмий ва академик доира вакиллари билан биргаликда мазкур университетларда тахсил олаётган, шу жумладан, ўзбекистонлик талабалар ҳам қатнашди.



Вебстер университети филиалида ташкил этилган тақдиротда олийгоҳ раҳбари Самуэль Шуберт шу каби тадбирлар халқларни бирлаштиришга самарали хизмат қилишини таъкидлади. Бу ерда тахсил олаётган ўзбекистонлик талабалар ўзининг билими ва дунёқарашини билан бошқалардан ажралиб туриши эътироф этилди.

Вена университетига бўлиб ўтган тақдиротда ушбу университет ҳузуридаги Ислон илоҳийшунослиги институтини раҳбари Тугрул Курт сўзга чиқиб, Ўзбекистон халқининг ислом цивилизациясига қўшган катта ҳиссасини нафақат китоблардан ўқиб, балки Самарқандга таширфи чоғида ўз кўзи билан кўришга муяссар бўлганини мамнуният

ларимизнинг илмий, маданий ва маънавий мероси ҳамда мамлакатимизда барча соҳада, айниқса, иқтисодий ва туризм йўналишларида амалга оширилаётган ислохотлар натижалари тўғрисида батафсил сўзлаб берди.

Тадбирлар давомида Ўзбекистондан келган иқтидорли ёш санъаткор ва раққослар томонидан ижро этилган “Мақом”, “Лазги” каби ЮНЕСКО Инсоният номоддий маданий мероси рўйхатидан жой олган аънанавий куй-кўшиқ ва раққслардан иборат концерт дастури ҳам тақдим этилди. Таъкидлаш жоизки, миллий либослар ва хунармандчилик махсулотлари кўрғазмаси хорижий иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Тошкент кимё-технология институтини ҳамда Вебстер ва Вена университетлари раҳбарияти икки томонлама учрашувлар ўтказиб, ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича аниқ келишувларга эришилди.

Австриялик ҳамкорлар бўлиб ўтган тақдиротлар бўйича ўзларининг фикрлари билан ўртоқлашди.

Австрия парламенти собиқ депутати ҳамда ЕХТ Парламент Ассамблеяси собиқ раиси Кристин Муттонен:

— Мен Ўзбекистоннинг яқин дўсти сифатида бугунги маданий-маърифий тадбирга тақдиротлар билан қўшқанман. Биз мамлакатингизнинг бой маданий мероси ҳақида нафақат эшитдик, балки ташкил қилинган кўрғазма орқали кўриб, яқиндан танидик. Бунинг учун ташкилотчиларга миннатдорлик билдираман.

Австриялик иқтисодчи, бизнес масалала-

ри бўйича мустақил маслаҳатчи Фердинанд Шифер:

— Банк соҳасида 40 йиллик меҳнат тажрибасига эга, бугунги кунда мустақил маслаҳатчи сифатида шуни айтмоқчиманки, мен Ўзбекистонга бир неча бор таширф буёриш бахтига муяссар бўлган австрияликлардан бириман. Мамлакатингизга илк таширфимни сайёҳ сифатида, кейингиларини эса хизмат юзасидан амалга оширганман. Шахсий кузатувларимга асосланиб айтмоқчиманки, бугунги кунда дунёда Ўзбекистон каби барқарор ривожланиш суръатларига эришаётган давлатлар жуда кам. Бундай натижа билан сизларни табриқлайман. Яқин келажақда яна юртингизга бориш ниятидаман.

Мамлакатингиз иқтисодий ривожланишида давом этаётгани билан самийий табриқлайман. Янги инфратузилмалар, биноларнинг барпо қилиниши орқали келажақ учун муҳим тарихий қадамлар ташланаётганини айтиш зарур.

Бу ерда ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессияси Самарқандда бўлиб ўтиши ҳақида маълумотга эга бўлдим. Шунинг алоҳида таъкидламоқчиманки, агар Самарқанд шаҳри ЮНЕСКОнинг бундай юқори даражадаги тадбирларини доимий равишда ўтказиладиган жой деб эълон қилинса, бу асло ажабланарли эмас. Бу бетақдор шаҳар шунга муносиб.

Фурсатдан фойдаланиб, барча ўзбекистонликларга ўзимнинг чексиз ҳурматим ва эзгу тилиқларимни изхор этаман.

«Дунё» АА. Вена

Ўзбекистондан Қувайтга гўшт ва гўшт махсулотлари экспорти йўлга қўйилди.

ТАДБИРКОРЛИК РАВНАҚИДА ЭЛ МАЪМУРЛИГИ МУЖАССАМ

Тадбиркор — таянчимиз ва сунъимиз. У моддият яратади, халқни иш ўринлари билан таъминлайди, давлатга солиқ тўлайди, ялли ички маҳсулотнинг, экспортнинг ўсишига ҳисса қўшади ва бу билан фаровонликка хизмат қилади. Шу боис ҳам тадбиркорлик иқтисодийнинг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида таърифланади. Ишбилармонлик халқимиз ҳаётида азалдан муҳим ўрин тутиб, унинг ўзига хос анъаналари асраб-авайланган, бундай фазилатга эга кишилар қадрланган. Буни буюк Амир Темурнинг "Азми қатъий, тадбиркор, ҳушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз ва лоқайд кишидан афзалдир", деган фикри ҳам тасдиқлайди.

Мушоҳада

Ислохотлар дахлдорлик ва масъулият ҳиссини оширди



Бугун ўз бизнесини йўлга қўйиб, ўзи, оиласи, эл-юрт фаровонлигига муносиб ҳисса қўшаётган, иқтисодийтимиз тараққиётига хизмат қилаётган тадбиркорлар, хусусий корхоналар сафи тобора кенгаймоқда. Аҳоли ўртасида ҳам кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга қизиқиш тобора ортиб бормоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича ўтган йил якунлари ва 2025 йилга асосий режалар юзасидан видеоселектор йиғилиши ҳамда етакчи тадбиркорлар билан мулоқотда ҳам тадбиркорликни ривожлантириш стратегик вазифа эканлиги беҳиз таъкидланмади. Тадбиркор бой бўлса, камбағаллик, қашшоқлик чекинади. Муҳтожларга, бева-бечораларга кўмак кўрсатади.

Давлатимиз раҳбари 2017 йилдан буён Ўзбекистонда тадбиркорлар учун шиддатли, қўлланмаган ва қўлай ўзгаришларни илгари сурди. Янгиликларнинг ўзига ҳослиги давлатнинг назорат доирасини қисқартириш ва эркин тадбиркорликка йўл очиш мақсади билан боғлиқ. Ўтган йиллар давомида тадбиркорлар фаолиятига халал бераётган тўсиқлар босқичма-босқич бартараф этилгани бор гап. Тадбиркорларга нисбатан жазо чоралари либераллаштирилгани, улар фаолиятига асоссиз аралашуш ахтимоли бартараф қилингани, экспорт-импорт тартиб-таомили соддалаштирилгани ишбилармонлик муҳитини ривожлантириб, тўсиқсиз бизнес юритиш имконини яратяпти.

Умуман, тадбиркорга ҳозиргидек қўлай шароит ҳеч қачон яратилмаган. Асоссиз текширув-

мой муаммоларни ҳал этишга оид тадбиркорлик ташаббусларини, айниқса, ёшлар ва аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга устувор аҳамият бериш зарурлигини таъкидлайди. Янги иш ўринларини яратадиган тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз, таъбир жоиз бўлса, уларни елкамизда кўтаришимиз керак, дейди. Жамиятни эркинлаштириш, бизнес юритиш учун ҳуқуқий ва қонунчилик базаси ҳамда зарур шароитларни мунтазам равишда такомиллаштириб бориш муҳим ҳаётий зарурат эканини бот-бот такоррайди. Соҳа ривожини учун гоёт қўлай ва устувор шароитлар яратиб берилаётгани эса аҳолининг иш билан банд бўлиши ва даромад топиши кафолати бўлиб хизмат қилаётди.

Сир эмаски муқаддам тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга бел боғлаган кишилар муайян бюрократик тўсиқларни ошиб ўтишига тўри келарди: иш бошлаш арасида бери қатор идораларга учрашиб, талай ҳужжатларни тўлдириниш — имзо тўплаши шарт эди. Ҳали у, ҳали бу дарчага бош сўқиб, куч-қувватини ва вақтини мана шу каби ортиқча юмушларга сарф қиларди. Энди ҳаммаси ижобий томонга ўзгарди. Ҳатто бу йўлда тўсиқ бўлиб келган яна бир муаммага буткул ечим топилди. У ҳам бўлса — элчи қуввати, табиий газ, сув ва транспорт муаммоси. 2024 йилда бизнес юритиш учун йўл, сув, электр, газ, темир йўл каби инфратузилма объектларини яхшилашга 35 трлн. сўм йўналтирилди. 2025 йилда яна 43 трлн. сўм ажратиш режалаштирилган. Корхоналарни барқарор энергия билан таъминлаш учун электр ишлаб чиқариш 82 млрд. киловатт-соатга етди. Ўтган йил хорижий ҳамкорлар билан ишга тушган 6,3 млрд. долларлик 17 та йирик "яшил" ва янги технологияга асосланган энергия қувватлари ҳисобига жорий йилда қарий 90 млрд. киловатт-соат электр ишлаб чиқарилади. Бу ишлар давом эттирилиб, 2025 йилда яна 6,4 млрд. долларлик 25 та лойиҳа доирасида 4,8 гигаваатт янги қувватлар барпо этилади.

Инвестиция — ривожланишнинг ишончли негизи

Тадбиркорлар ишторикида ўтказилган йиғилишда туризм, авиация, темир йўл соҳаларида

бизнесни ривожлантириш, иш эгаларининг бу тизимни кучайтиришга қаратилган ҳиссаси ҳам эътироф этилди. Туризм соҳасида тадбиркорларнинг 6,5 трлн. сўм сармоғи билан 24 минг ўринли меҳмонхоналар ишга тушгани, жорий йилда меҳмон ўринлари яна 30 мингга ошиши кайд этилди. Тадбиркорлар бунга 10 трлн. сўм инвестиция киритишга тайёр. Ўтган йил ишга тушган 17 та йирик савдо ва туристик мажмуа қўшимча яна 25 та шундай мажмуа қўшилиди. Бўстонликда 10 млрд. долларлик "Sea Breeze" номли йирик марказ қурилиши бошланиши арасида. Шунингдек, мамлакатимизга дунёнинг нуфузли "Swissetel", "Sheraton", "Ritz-Carlton", "Novotel", "Pullman", "Marriott", "Ibis", "Mercure" каби 23 та меҳмонхона бренди кириб келяпти. Демак, бунга яраша сайёҳлар оқимини кўпайтиришга эътибор қаратишимиз таъзимли.

Инвесторлар ва сайёҳлар оқимини кўпайтириш йўллари таъмирлаш, инфратузилмани ривожлантириш лозимлигини англади. Ваҳоланки, узоқ йиллардан бери давлат монополиясида бўлган йўлларни таъмирлаш ва сақлаш талаб даражасида бўлмаган. Бугун мазкур соҳага хусусий секторни жалб қилиш самара беради. Шу мақсадда ўтган йил 260 километр йўлларни тартибга солиш ишлари тадбиркорларга берилди.

Авиация ва темир йўл соҳасида ҳам ислохотлар жадал давом эттирилади. Мамлакатнинг кириш дарвозаси ва иқтисодийнинг қон томири саналган бу икки йўналиш ҳам тадбиркорлик тараққиёти учун ўта муҳим соҳалар. Айни кунда хусусий авиакомпаниялар сони 14 га етди. Бухоро, Наманган аэропортлари хусусий шерикликка берилди, Андижон ва Урганч аэропортлари бўйича тендер давом этапти. Темир йўл соҳасида рақамлаштириш ва операциялар самардорлигини ошириш

Президентимиз учрашувда илгари сурган янги ташаббуслар тадбиркорларга янада ишонч ва шижоат бағишлади. "Биз давлат миқёсида қандай катта мақсад ва вазифаларни ўз олдимишга қўймайлик, уларни амалга оширишда бутун халқимиз билан бирга аввало сизларга таянамиз", деди давлат раҳбари. Бу юксак ишонч тадбиркорнинг жамолида юрт жамоли, тадбиркорлик равнақида эл маъмурлиги акс этишининг намоёни бўлди, десак, айнаи ҳақиқат.

Наргизахон ШАМШИЕВА, Тошкент давлат иқтисодий университетининг Маркетинг кафедраси профессори, иқтисодий фанлари доктори.

ЯНГИЛИКЛАР хабарлар

ТАФСИЛОТЛАР

Йўловчилар учун яна бир қўлайлик

Янги йил байрами арафасида "Тошкент метрополитени"га Россиядан учта янги поезд (12 та вагон) олиб келинди.



"Тошкент метрополитени" ДУК вакилининг хабарига кўра ушбу ҳаракат таркиблари белгиланган йўриқномага асосан 9-10 кун давомида техник синовдан ўтказилади. Шундан сўнг йўловчиларга хизмат кўрсатишни бошлайди.

«Ўзчармсаноат» жаҳон бозорида ўз ўрнини мустаҳкамлади

Ўтган йилда "Ўзчармсаноат" уюшмаси ва унга аъзо корхоналар халқро кўргазмаларда янги ишланмалар билан хорижий бозорларда ўз ўрнини мустаҳкамлади.



Статистик маълумотларга қараганда, 20 та халқро кўргазмада иштирок этган маҳаллий корхоналар 9 та иқтисослаштирилган ҳамда 11 та "Made in Uzbekistan" кўргазмасида стенд ташкил этди. Уларда Хитой, Россия, Туркия ва Италия билан муҳим экспорт ҳамда инвестиция келишувлари имзоланди. Хитой билан 25 млн. долларлик экспорт ва 13,3 млн. долларлик инвестиция, Россия билан 16 млн. долларлик экспорт, Туркия билан 5,7 млн. долларлик экспорт ҳамда 30 млн. долларлик инвестиция шартномалари тузилди. Италия билан эса 8,5 млн. долларлик экспорт шартномаси имзоланди.

Ноёб тўплам тақдими

Маънавий мерос агентлигида фалсафа фанлари доктори, профессор Ройиқ Баҳодиров томонидан жамланган "Ўзбекистонга оид Ал-Азхар университети кутубхонасидаги қўлёзма асарлар реестри" номли янги китобнинг тақдими бўлиб ўтди.



Ўзбекистонлик ва чет эллик олимларнинг илмий изланишлари маҳсули ўлароқ қарийб 2,5 мингта қўлёзманинг батафсил библиографик тавсифи келтирилган маъруз ноёб рисолати жамлашда агентлик ходими Ирода Қайумовнинг хизмати катта бўлди.

Маълумот учун, Ал-Азхар аш-Шариф (университети) кутубхонаси 381 ҳижрий/милодий 992 йили, яъни Ал-Азхар масжиди ташкил этилганидан 20 йил ўтгандан сўнг ўз фаолиятини бошлаган.

Цирк аренасида ёввойи ҳайвонлар бўлмайд

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ёввойи ҳайвонларни сақлаш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан жисмоний шахслар томонидан яримэркин шароитларда, сунъий яратилган яшаш муҳитида ёки тўқунликда сақланиши тақиқланган ёввойи ҳайвонлар рўйхати тасдиқланди.



Рўйхатга, хусусан, йўлбарс, шер, гепард, ягуар ва уларнинг барча кенжа турлари, горилла, шимпанзе, йирик бўға илонлар оиласига мансуб турлар, отларнинг барча тури (хонаки отлар бундан мустасно) киритилди.

«Халқ сўзи».

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ҳамда «Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» журналі тахририяти жамоаси журнал тахририятининг Ахборот-коммуникация технологиялари ва босма нашрларнинг электрон шакли хизмати бўлими бошлиғи **Назиржон НОРМАТОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия ихзор этади.

Имконият

Касб-ҳунарга ўргатилмоқда

Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг Наманган вилоятидаги минтақавий вакили ташаббуси билан жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган маҳкумлар касб-ҳунарга ўргатилмоқда.

Хусусан, ўтган йил якунларига кўра Намангандаги жазо муддатини ўтаётган 310 нафар маҳкум ўз қизиқишлари бўйича касб-ҳунарга ўргатилди. Яқинда Поп туманидаги 6-жазони ижро этиш колониясида "Ошпазлик" йўналиши бўйича навбатдаги ўқув курсини тамомлаган маҳкумлар ўртасида мусобақа ташкил этилди.

Фолибар аниқлиниб, рағбатлантириш рўйхатига киритилди. Шунингдек, 1 ойлик курсни тамомлаган 70 нафар маҳкумга сертификатлар топширилди.

«Халқ сўзи».

Diqqat, tanlov!

EKOLOGIYA, ATROF-MUHITNI MUHOFAZA QILISH VA IQLIM O'ZGARISHI VAZIRLIGI HAMDA O'ZBEKISTON YOZUVCHILAR UYUSHMASI

2025-yil – Atrof-muhitni asrash va «yashil» iqtisodiyot yili munosabati bilan ijodkorlar o'rtasida «Onajonim – tabiat» ijodiy ishlar tanlovini e'lon qiladi.

2025-yil mamlakatimizda "Atrof-muhitni asrash va "yashil" iqtisodiyot yili" deb e'lon qilinishi nafaqat bugungi, balki kelajak avlodlar manfaatlarini ko'zlab tabiatni muhofaza etishga qaratilgan muhim tashabbus bo'ldi.

Bu, o'z navbatida, inson va tabiat o'rtasidagi muvozanatni saqlash, tabiiy resurslardan oqilona foydalanish va barqaror rivojlanishni ta'minlashda muhim qadamdir. Shuningdek, ijod ahlining ijtimoiy-ma'naviy faolligi va mas'uliyatini oshirib, yangi badiiy asarlar yaratishga ruhlanishi tabiiy.

Tanlovga yangi O'zbekistonda tabiiy resurslardan oqilona foydalanish, ularni qayta tiklash va inson faoliyatining tabiatga salbiy ta'sirining oldini olish, sanitariya va ekologik holatni yaxshilashni ta'minlash yo'nalishida amalg oshirilayotgan islohotlar, erkin va farovon yurtda barkamol avlodni tarbiyalash, xalqimizda ona Vatanni, uning ne'matlarini asrab-avaylash tuyg'usini kuchaytirish, ajdodlarimizdan meros havo, yer va yerosti boyliklari, o'simlik va hayvonot dunyosini asrashdek milliy qadriyatlarimizni, ijtimoiy hayotdagi yutuqlarimizning barchasi ona tabiat bilan chambarchas bog'liq ekanligini yosh avlod qalbiga va ongiga singdirish kabi ezgu g'oyalari hayotiy misollar, teran fikr-mulohazalar bilan tarannum etilgan, shuningdek, soha fidoyilarining hayoti va yutuqlari, obodlik, farovonlik yo'lidagi intilishlarini yoritib beruvchi she'rlar, hikoyalari, dramatik hamda badiiy publitsistik asarlar qabul qilinadi.

Ijodiy ishlar 2025-yil 20-mayga qadar qabul qilinadi.

Hakamlar hay'ati tomonidan g'olib deb topilgan ijodkorlar 5-iyun – Butunjahon atrof-muhit kuni arafasida "Eng yaxshi she'riy asar", "Eng yaxshi hikoya", "Eng yaxshi dramatik asar" va "Eng yaxshi badiiy publitsistik asar" nominatsiyalari bo'yicha quyidagi tartibda pul mukofotlari, diplom va qimmatbaho sovg'alar bilan taqdirlanadi:

bitta birinchi o'rin – **bazaviy hisoblash miqdorining 25 baravari darajasida;**

bitta ikkinchi o'rin – **bazaviy hisoblash miqdorining 15 baravari darajasida;**

bitta uchinchi o'rin – **bazaviy hisoblash miqdorining 5 baravari darajasida.**

Tanlovga taqdim etilgan asarlar saralanib, kitob holidi chop etiladi.

Tanlovga taqdim qilinadigan asarlarning asl yoki elektron nusxasi maullifning etilgan raqami va pasport nusxasi bilan birga quyidagi manzilga yuborilishi lozim:

Toshkent shahri, Chilonzor tumani, Bunyodkor shohko'chasi, Adiblar xiyoboni, O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi.

E-mail: badiiy_adabiyot@mail.ru.

Murojaat uchun telefon: 71-231-83-69.

Хукумат қарорига кўра фаол нурунийларни камбағал оилаларга бириктириш тартиби белгиланди.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 142. 12 620 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетани ҳақиқати маълумотларини оқиб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; **қотибхона 71-259-74-53;**
эълонлар 71-259-74-45.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашіриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.

Набатчи муҳаррир — С. Маширов.
Мушаххис — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашіриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.40 Топширилди — 00.00 1 2 3 4 5 6